2011 йил 17 февраль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (11.845)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги «Инкомтарандубидель» корхонасида 700 минг АҚШ долларилик инвестиция эвазига кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада бу ерда нефть саноатида кенг қўлланиладиган экстракт кукуни ва нефтчилар учун махсус кийим-кечаклар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 баробар ортди. Хусусан, якунланган йилда «Инкомтарандубидель» жамоаси ички ва ташқи бозорга 835 миллион сўмлик маҳсулот чиқарди.

● Касби туманидаги «Номоз Мирзаев» корхонасида унни қайта ишлашга мўлжалланган технологик линия фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Нодиржон Мирзаев саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли бир кеча-кундузда 1,2 тонна ун қайта ишланиб, 5 турдаги сифатли макарон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

● Деҳқонобод тумани «Бешбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 20 та замонавий уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда жами 1 миллиард 277 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

● Денов туманидаги «Баҳриддин» фермер хўжалиги қошида иссиқхона ташкил этилди. Бир гектар майдонни эгаллаган ушбу мажмуани бунёд этиш учун фермер Баҳром Дилов ўз маблағи ва банк кредити ҳисобидан 200 миллион сўм сарфлади. Натижада маҳалла ёшларидан 10 нафари иш билан таъминланиб, улар томонидан етиштирилган 4 тоннадан ошиқ лимон ва зираворлар ички бозорга чиқарилди.

● Андижон вилояти ҳокимлиги «Энг яхши касб-ҳунар коллежи», «Энг яхши лицей» ва «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» танловларини эълон қилди. Ўқитувчилар ўртасида ўтказилган танловда асосий эътибор ўқув жараёнлари, иқтидорлиларни излаш, корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ишлаб чиқариш амалиётини такомиллаштириш борасида қилинган ишлар ва уларнинг натижаларига қаратилади.

### ЖАҲОНДА

● Австралиянинг шимолий ҳудудларига «Карлос» дея номланган тропик довул кириб келди. Мамлакат фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакилининг айтишича, табиий офатдан, айниқса Дарвин шаҳрига жиддий зарар етган. Бу ерда тўққиз мингдан ортиқ хонадон электр таъминотисиз қолган. Бундан ташқари кўплаб уйларни сув босган. Довул соатига 100 километр тезликда ҳаракатланмоқда. Аммо унинг янада кучайиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шу боис мактаблар вақтинча ёпиб қўйилган.

● Жорий йилнинг январь ойида Европада янги автомобиллар сотуви сезиларли даражада пасайган. Бу ҳақда Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси томонидан маълум қилинди. Хусусан, мазкур даврда 1 041 650 та машина сотилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 фоиз паст кўрсаткичдир. Шундай бўлсада, қитъанинг баъзи мамлакатларида савдо ҳажми анча жонлангани айтилмоқда.

● Лондондаги «Sotheb's» аукционида замонавий санъат асарлари савдоси ташкил этилди. Унда хитойлик рассом ва архитектор Ая Вейвэй, германиялик рассом Герхард Рихтер ва испаниялик ҳайкалтарош Хуан Мунос томонидан тайёрланган санъат асарлари юқори баҳоланди. Жумладан, немис рассоми томонидан 1990 йилларда яратилган «Мавҳум сурат» номли асар 7,2 миллион фунт стерлингга сотилган.

● Бразилия чангалзорларида яшаб келган ва шу пайтгача фанга номаълум бўлган яна бир қабила аниқланди. Қабиланинг яшаш тарзи жуда оғир ва ғайриодатий, қабила аъзолари асосан тропик ўсимлик еб кун кўради. Пальма шохларидан ясалган уйчалар уларга бошпана вазифасини ўтайди. Қабила аъзолари, шунингдек, ов жараёнида темирдан ясалган ханжар ва болтадан фойдаланади. Ҳозир мутахассислар бу қабиланинг келиб чиқиш тарихини ўрганмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## БАНК САРМОЯСИ — ТАДБИРКОРГА МАДАД

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2010 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 52,5 фоизни ташкил этгани алоҳида қайд этилди.**

Бу жараёнда тадбиркорлик субъектларининг молиявий қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлаётир. Буни «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда мазкур банкнинг жойлардаги 36 филиали ва 128 минибанки орқали 55 мингдан ортиқ мижозга замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда.

«Ипотека-банк»нинг кредитлаш департаменти директори ўринбосари Жўрабек Зулфиқоровнинг айтишича, 2010 йилда тадбиркорлик субъектларига 2009 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп сармоя берилган. Мазкур маблағлар эвазига қарийб 7 минг янги иш ўрни яратилган.

Юртимизда тадбиркор аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун барча шарт-шароит яратилган. 2010 йилда 1 минг 104 нафар тадбиркор аёлга ўз бизнесини ташкил қилиши ва ривожлантириши учун кредитлар берилди. Натижада 856 янги иш ўрни яратилиб, аёллар бошқараётган қатор корхоналар ишлаб чиқариш қувватлари ошди.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган «Гратция плюс» масъулияти чекланган жамиятига қолипли нон ишлаб чиқариш технологик линияси харид қилиш учун ажратилган 294 миллион сўм молиявий кўмак эвазига турли хилдаги қолипли нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 15 иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-бетда)

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида маҳалла институти фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди**

Фармон ва ижро

## АҲИЛЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Пойтахтимизда ёшлар тарбияси билан шуғулланиш самарадорлигини оширишда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўрни ҳамда вазифаларига бағишланган ўқув-семинарда шулар хусусида сўз юритилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинарда тегишли вазирлик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунослар, психологлар, тиббиёт ходимлари, пойтахтимиз маҳаллаларидаги маслаҳатчилар иштирок этди.

Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ҳамда меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Маҳаллаларда соғлом муҳитни қарор топтиришга диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

(Давоми 2-бетда)

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшларга чуқур тушунтириш мақсадида учрашув ва анжуманлар ташкил этилмоқда.**

## КУРСАНТЛАР КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ҳам мазкур Концепцияда белгилаб берилган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга бағишланди. Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда олимлар, ҳуқуқшунослар, олий ҳарбий билим юрти ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этди.

Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти бошлиғи, полковник Х. Маматов, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, академик С. Ғуломов ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган Концепция мамлакатимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим босқич бўлишини, ундаги ғоя ва таклифларни ҳаётга татбиқ этишда ёшлар фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлади. Концепцияда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Барча таълим муассасаларида бўлгани каби Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида ҳам Концепцияни чуқур ўрганиш ва уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида махсус ўқув дастур ишлаб чиқилди. Курсантларга унинг электрон варианти тарқатилди. Бундай тадбирлар мазкур йўналишда ўзаро фикр алмашиш, ёшларга ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мутахассислардан маълумотлар олиш имконини беради.

Тадбирда Концепцияда белгиланган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Германиянинг мебель саноатига ихтисослаштирилган машҳур электрон журналларидан бири бўлган «Moebelmarkt»да «Ўзбекистонда «Мебель Экспо» — 2011 ярмаркаси ташкил этилади» сарлавҳали мақола эълон қилинди.**

## «MOEBELMARKT» ЎЗБЕКИСТОН МЕБЕЛЬ ЯРМАРКАСИ ҲАҚИДА

Унда ёзилишича, жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида саккизинчи «Мебель Экспо» халқаро ярмаркаси ўз ишини бошлайди. Тўрт кун давомида мазкур ярмарка халқаро мебель ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи компанияларнинг тақдимоти учун ўзига хос «мебеллар витринаси»га айланади. Тадбир ўтган йилларда бўлгани каби бу йил ҳам «UzBuild» қурилиш ярмаркаси билан бир вақтда ўтказилади. Иштирокчи компаниялар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар уй ва идора мебеллари, турли интерьер, ёритиш жиҳозлари, пол қопламалар ҳамда тўқимачилик моллари билан бирга, ёғочни қайта ишловчи ускуналар, бутловчи қисмлар ва замонавий технологияларни ҳам ўз ичига қамраб олган.

«Ўзэкспомарказ»да уюштирилган ўтган йилги ярмарка миллий кўргазма мажмуасининг учта залини эгаллаб, жаҳоннинг 18 мамлакатидан келган 150 га яқин компаниялар маҳсулот ва хизматларини намойиш этишлари учун қулай имконият яратди. Тошкентда ўтказилган «Мебель Экспо — 2010»да олти мингдан зиёд мутахассис қатнашган.

Бу йил «Мебель Экспо — 2011» кўргазмаси ташкилотчилари «ITE Uzbekistan» ва «I.T.E. E&C Ltd» мебель саноатининг тақдимоти учун муҳим аҳамият касб этувчи кўргазманинг мавқеини янада ошириш ниятидалар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон минтақа мебель саноатининг марказига айланган ҳолда, мазкур йўналишда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатдир. 500 дан ортиқ маҳаллий мебель ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи компанияларнинг 40 фоизга яқини охирги икки-уч йил ичида ташкил этилди. Шу билан бирга, ушбу соҳани ривожлантириш халқаро ишлаб чиқарувчилар учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очади. Пировардида Ўзбекистонга 85 фоиз маҳсулот ва 95 фоиз асбоб-ускуналар ҳамда қайта ишловчи машиналар импортини йўлга қўйиш имконияти юзага келади. Бундан ташқари, мамлакатда юқори сифатли юмшоқ мебелларга бўлган талабнинг 29 фоизи четдан келтириладиган маҳсулот ҳисобига қопланади.

**«Жаҳон»АА.**
Берлин

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ОЛМАЗОР** туманида «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ва «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Давлат дастурлари ижросини таъминлашга бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтади.

✓ **МИРОБОД** туманидаги маҳаллаларда кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш ва тартибга келтириш, муҳандислик тармоқларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича учрашувлар ўтказилмоқда.

✓ **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги Оила маросимлари маркази қошида ташкил этилган «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактабининг навбатдаги ўқув машғулоти ташкил этилди.

